

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

КАРАЕВ ШЕРАЛИ ТУХТАЕВИЧ

**ПОЛИЭТИЛЕН УЧУН ЯНГИ ЮҚОРИ САМАРАЛИ СТАБИЛИЗАТОР
АНТИОКСИДАНТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ ВА ҚЎЛЛАШ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Караев Шерали Тухтаевич

Полиэтилен учун янги юқори самарали стабилизатор антиоксидантлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва қўллаш.....3

Караев Шерали Тухтаевич

Разработка и применение технологии получения новых высокоэффективных стабилизаторов-антиоксидантов для полиэтилена.21

Karaev Sherali Tukhtaevich

Development of chemical technology for producing antioxidant stabilizers for polymer products based on local raw materials..39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

КАРАЕВ ШЕРАЛИ ТУХТАЕВИЧ

**ПОЛИЭТИЛЕН УЧУН ЯНГИ ЮҚОРИ САМАРАЛИ СТАБИЛИЗАТОР
АНТИОКСИДАНТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ ВА ҚЎЛЛАШ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.PhD/T2775 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tktiti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Масъуд Убайдулла ўгли
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Ёдгоров Нормухаммад
кимё фанлари доктори, профессор

Вафаев Ойбек Шукурлаевич
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.16/30.12.2019.K/T.87.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «15» май соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111116, Тошкент тумани, Ибрат МФЙ., Шўробозор. Тел.: (+99895) 144-67-83, E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 2025/09 рақами билан рўйхатга олинган Манзил: 111116, Тошкент тумани, Ибрат МФЙ., Шўробозор. Тел.: (+99895) 144-67-83, E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил «18» апрель куни тарқатилди.

(2025 йил «18» апрелдаги 2025/09 рақамли реестр баённомаси).



Джалилов А.Т.
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
к.ф.д., проф., академик

Қиёмов Ш.Н.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
т.ф.д. к.и.х.

Бекназаров Х.С.
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда юқори молекуляр бирикмаларнинг ультрабинафша нурлари, иссиқлик ва кислород таъсирида деструкцияланишини чекловчи модификатор қўшимчалар полимер саноатининг асосий гуруҳ хомашёлари ҳисобланади. Шу сабабли, янги турдаги стабилизатор антиоксидантлар ишлаб чиқариш, уларнинг полимер деградацияси жараёнида ҳосил бўладиган эркин радикаллар билан таъсир механизмини аниқлаш ҳамда полимер устмолекуляр структурасини модификациялаш механизмларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда стабилизациялаш самарадорлиги юқори бўлган стабилизатор антиоксидантлар олиш ва уларни полимер маҳсулотлар таркибига киритишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, реакция фаол гидроксил, карбоксил ва амин функционал гуруҳли ароматик ҳалқа сақловчи элементорганик бирикмалар олиш, уларнинг стабиллаш кўрсаткичларини аниқлаш ва полимерлар композициялари учун антиоксидант сифатида қўллаш технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда импорт ўрнини босувчи янги турдаги стабилизатор антиоксидантлар олиш ва уларни полимер маҳсулотлар таркибига қўшиш, турли агрессив муҳитларда ишлаш самарадорлигини аниқлаш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслардан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар олиш технологияларини яратиш»¹ га қаратилган муҳим вазифалари белгиланган. Бу борада полимер маҳсулотлари олишда иқтисодий жиҳатдан самарали ва экологик хавфсиз бўлган стабилизатор антиоксидантлар ишлаб чиқариш ҳамда мавжуд технологияларни доимий равишда такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3264-сон «Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони.

технологиялари ва нанотехнология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда полимерларни органик қўшимчалар билан барқарорлаштириш ҳамда олинган материалларнинг физик-механик, кимёвий шунингдек статик ва динамик кучларга чидамлилик кўрсаткичларини аниқлаш бўйича Н.М. Эмануэл, Г.Э. Зайков, Й.А. Шляпников, А.К. Микитаэв, Э.Н. Мукменев, М.М. Мурзаканов, С.Й. Бухаров, Камол Афзали., Сумит Кумар., М.А. Хегази, Лин Ванг ва Ўзбекистонлик олимлардан А.Т. Жалилов, А.С. Максумова, А. Икромов, З.А. Тожихўжаев, Х.И. Акбаров, Б.Ф. Мухиддинов, М.Г. Мухамадиев, Х.С. Бекназаров ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борган.

Ушбу олимлар таркибида металл ва металмаслар сақлаган органик бирикмалар, алкил (3,5-ди-трет-бутил-4-гидроксифенил)фосфонкислоталар, алкил[поли(этиленокси)] фосфорилпиридин, алкил[поли-(этиленокси)]-фосфорил-хинолин тузлари ва уларнинг металл комплекслари каби янги самарали стабилизатор антиоксидантларни олиш ва улар қўшилган полимерлар эксплуатацион хоссаларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган.

Ҳозирги кунда, саноатда полимер материалларни барқарорлаштириш учун янги стабилизатор антиоксидант турларини кенгайтириш мақсадида фаол функционал гуруҳларни ўз ичига олган бирикмалар билан модификациялашнинг янги замонавий усулларини ишлаб чиқиш, инновацион технологияларини такомиллаштириш ва амалиётда қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-201701268 “Иссиқхоналар учун эксплуатацион даври бир йилдан уч йилгача бўлган полиэтилен плёнкалар ишлаб чиқариш учун қўшимчалар (стабилизаторлар) ишлаб чиқиш” (2018-2020й.й.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади полиэтилен материаллари учун узоқ муддатли барқарорликни таъминлайдиган янги, юқори самарали стабилизатор антиоксидантлар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

полиэтилен материалларига узоқ муддатли барқарорликни таъминлайдиган стабилизаторлар антиоксидантлар олиш усулларини ишлаб чиқиш ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш;

янги стабилизатор антиоксидантларнинг полиэтилен материаллари билан ўзаро таъсирини ҳамда уларнинг барқарорликка, ҳарорат ва оксидланишга чидамлилигини аниқлаш;

стабилизатор антиоксидантлар билан модификацияланган полимерларнинг физик-кимёвий ва механик хоссаларини аниқлаш;

стабилизатор антиоксидантлар ишлаб чиқаришнинг замонавий самарадор технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида фенол, пентаэритрит, фтал ангидрид, салицил кислота, терефталъ кислота ва турли хил маргадаги полиэтиленлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини стабилизатор антиоксидантларнинг стабиллаш самарадорлиги, олинадиган полимерларнинг физик-кимёвий, механик ва техник иқтисодий кўрсаткичлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар натижасида олинган стабилизатор антиоксидантлар ва стабилланган полиэтиленларнинг физик - кимёвий хоссаларини аниқлашда ИҚ-спектроскопия, атом кучи микроскопияси (АСМ), термогравиметрия (ТГ), дифференциал термогравиметрия (ДТГ) ва ксенон ёйли лампалар деградацияланиш (Xenotest) усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фенол, пентаэритрит, фтал ангидрид, салицил кислота ҳамда терефталъ кислотанинг каталитик реакцияси асосида полиэтиленнинг оксидланиш ва УФ нурларга чидамлилигини оширувчи стабилизатор антиоксидантлар синтез қилинган;

синтез қилинган стабилизатор антиоксидантларнинг стабиллаш самарадорлиги гидрооксил, карбонил, амин гуруҳлари ва ароматик ҳалқага боғлиқлиги аниқланган;

стабилланган полиэтиленларнинг стабилланмаган полиэтиленларга нисбатан узилишдаги кучи 259 Н га, эластиклик модули 33 Н/мм² гача ортганлиги асосланган;

стабилизатор антиоксидант билан стабилланган полиэтиленларнинг таркибидаги дисперс заррачаларнинг узунлиги 2 микронгача ва баландлик тақсимоти 244 нм эканлиги аниқланган;

стабилизатор антиоксидантлар олиш принципиал технологик схемаси ва техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

стабилизатор-антиоксидантлар олиш учун мақбул технологик параметрлар ишлаб чиқилган;

олинган стабилизатор-антиоксидантларни чизиқли, паст зичликдаги, оқувчанлиги юқори, ўрта ва паст босимли полиэтиленларга қўллаш технологияси ишлаб чиқилган;

полиэтиленларни модификациялаш жараёнида қўллаш миқдори 350-700 ppm бўлганда стабиллаш самарадорлиги юқори бўлиши аниқланган;

импорт қилинаётган стабилизатор-антиоксидантларни синтез қилинганлари билан алмаштирганда олинган полиэтиленнинг барқарорлиги ва физик-механик кўрсаткичларининг стандарт техник талабларга мос келиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги синтез қилинган стабилизатор антиоксидантларнинг таркиби ва тузилиши ИҚ-спектроскопия,

термогравиметрик анализ ва атом кучи микроскопияси каби замонавий физик-кимёвий усуллар билан исботланганлиги, шунингдек стабилизатор антиоксидантларнинг полимерларни барқарорлаштириш ва хизмат муддатини оширишда самарадорлиги тажриба ва ишлаб чиқариш жараёнларида тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юқори ҳарорат, УФ нурлар ва агрессив муҳитлар таъсирида полиэтилен оксидланиш жараёнини олинган антиоксидантлар ёрдамида секинлатиш механизмлари аниқланганлиги, таркибдаги гидроксил, карбонил, амин гуруҳлари ва ароматик ҳалқанинг деградацияланаётган полимер физик-кимёвий хоссалари ҳамда эркин радикаллар ҳосил бўлиш жараёнларига таъсири асосланганлиги, олинган стабилизаторлар билан чизикли полимерларни модификациялаш усуллари такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган технология асосида термооксидланиш барқарорлигига эга, стабиллаштириш кўрстагичлари юқори антиоксидантларни оғир металллар иштирокисиз олиш, уларни полиэтилен полимеризацияси ва экструзияси жараёнларида қўллаш усуллари аниқлаш, органик полифункционал бирикмалар ёрдамида чизикли полимерлар асосидаги материаллар олишнинг экологик ва иқтисодий самарадор технологияларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Синтез қилинган стабилизатор антиоксидант олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

этерификация усули ёрдамида стабилизатор антиоксидант олиш технологияси Шўртан газ-кимё мажмуаси МЧЖ корхонасида амалиётга жорий қилинган (Шўртан газ-кимё мажмуаси МЧЖ нинг 2023 йил 10 ноябрдаги 030/4314-сон маълумотномаси). Натижада, стабилизатор антиоксидантни полиэтилен суюқланмасига 0,5-3,0 % миқдорда қўлаганда полимерларни ултрабинафша нурларига барқарорлиги ва хизмат муддатини ошириш имконини берган;

олинган АО1 маркали антиоксидант Шўртан газ-кимё мажмуаси МЧЖ корхонасида амалиётга жорий қилинган (Шўртан газ-кимё мажмуаси МЧЖ нинг 2023 йил 10 ноябрдаги 030/4314-сон маълумотномаси). Натижада, F-0220 S, I-1561 ва P-Y342 маркали полиэтиленлар учун импорт ўрнини босувчи юқори сифатли стабилизатор антиоксидантларни маҳаллийлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та конференцияда, шундан 1 та халқаро ва 6 та Республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий

нашрларда 6 та мақола, шундан, 3 та Республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 107 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, ўтказилган тадқиқотларнинг ишончлилиги, апробацияси ва натижаларнинг нашр қилиниши, диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Полимер маҳсулотлари учун стабилизатор антиоксидантлар олишнинг замонавий усуллари ва уларнинг қўлланилиш истиқболлари**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган ҳамда илмий адабиётлардаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.


Диссертациянинг «**Полимерлар учун юқори самарали стабилизатор антиоксидантлар олиш ва уларнинг тадқиқи**» деб номланган иккинчи бобида Полиэтилен маҳсулотлари учун этерификация усули билан Пентаэритрит (2,2-бис(гидроксиетил)пропан-1,3-диол) $C(CH_2OH)_4$ ёрдамида **АО-1** маркали стабилизатор антиоксидант синтез қилинган. Олинган модданинг ИҚ спектри таҳлил қилинди (1-расм).



1-расм. АО-1 маркали стабилизатор антиоксидантнинг ИҚ спектри

АО-1 маркали стабилизатор антиоксидантнинг ИҚ-спектрида (1-расм) ОН гуруҳининг ютилиш соҳасидаги тебранишларига мос келадиган 3317,56-2951,09 см⁻¹ диапазонларини ўз ичига олади, гидроксил гуруҳларининг баъзи характерли частоталари молекуляр водород алоқасининг шаклланиши билан чамбарчас боғлиқ. Амалда энг муҳим груҳлар 2885,51–2358,94 см⁻¹ частотасида ОН ютилиш соҳасидаги тебранишлари частотаси ва 1039,63-1012,63 см⁻¹ оралиғида ароматик гуруҳнинг эркин эгилиш тебранишларига тегишли бўлган чизиклар мавжуд, 1705,07-1575,84 см⁻¹ минтақасидаги чизиклар мос равишда гуруҳларнинг чўзилган тебранишларига боғлиқ (–C=O). 1012,63 см⁻¹ алмаштирилмаган ароматик ҳалқани билдиради.


Келтирилган таҳлиллардан АО-1 реакция механизми қуйдагича бўлди.



2-расм. АО-1 маркали стабилизатор антиоксидантнинг реакция механизми


Синтез қилинган стабилизатор антиоксидант АО-1 деб номланди. ИҚ таҳлили ва текширувдан сўнг синтез қилинган антиоксидант чизикли паст зичликдаги оқувчанлиги юқори, ўрта ва паст босимли бўлган F-0220S, PУ-342, I-1561 маркали полиэтилен махсулотлотларига CLAWSON усулида аралаштириб “Jinan Himax LSB” номли экструдерда қайта ишланди.

Диэтаноламин ва салицил кислотани нейтралаб салицил кислота амидини олиш. Таркибида бир вақтнинг ўзида ароматик ҳалқа, гидроксил гуруҳи ва амид гуруҳлари сақлаган антиоксидант АО-2 синтез қилинган ва ИҚ спектри таҳлили ўрганилди (3-расм).



3-расм. АО-2 маркали стабилизатор антиоксидантнинг ИҚ спектри

АО-2 маркали стабилизатор антиоксидантнинг ИҚ-спектрида (2.6-расм) ОН гуруҳининг ютилиш соҳасидаги тебранишларига мос келадиган 3325,28-2951,09 см⁻¹ диапазонларини ўз ичига олади, гидроксил гуруҳларининг баъзи характерли частоталари молекуляр водород алоқасининг шаклланиши билан чамбарчас боғлиқ. Амалда энг муҳим гуруҳлар 2885,51–2331,94 см⁻¹ частотасида ОН ютилиш соҳасидаги тебранишлари частотаси ва 1039,63-1014,56 см⁻¹ оралиғида ароматик гуруҳнинг эркин эгилиш тебранишларига тегишли бўлган чизиқлар мавжуд, 1714,72-1705,07 см⁻¹ минтақасидаги чизиқлар мос равишда гуруҳларнинг чўзилган тебранишларига боғлиқ (–C=O). 1014,56 см⁻¹ алмаштирилмаган ароматик ҳалқани билдиради. Келтирилган таҳлиллардан АО-2 реакция механизми қуйдагича бўлди.



4-расм. АО-2 маркали стабилизатор антиоксидантнинг реакция механизми

ИҚ таҳлили ва текширувдан сўнг синтез қилинган антиоксидант чизиқли паст зичликдаги оқувчанлиги юқори, ўрта ва паст босимли бўлган F-0220 S, PY-342 маркали полиэтилен махсулотлотларига CLAWSON усулида аралаштириб “Jinan Himax LSB” номли экструдерда қайта ишланди.

Диссертациянинг “**Полимерлар учун синтез қилинган стабилизатор антиоксидантларнинг тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси**” деб номланган учинчи бобида олинган антиоксидантлар билан стабилланган турли маркадаги полиэтиленларнинг термик барқарорлиги, юқори ҳароратга чидамлилиги ва физик-механик хоссалари ўрганилди.

АО-1 маркали стабилизатор антиоксидант билан стабилланган полимерлардан олинган лопаткаларнинг чўзилишдаги кучланишга таъсири. Ушбу синов натижалари ГОСТ 11262-80 стандартига мувофиқ амалга оширилди.


F-0220 S маркали полиэтилен намунасига 0,5%, 1,5% ва 3% АО-1 маркали стабилизатор антиоксидант қўлланилганда намунанинг узилишдаги куч, чўзилиши, чўзилишдаги мустаҳкамлик чегараси, чўзилишдаги эластиклик модули стабилизатор антиоксидант қўлланилмаган ҳолатдаги билан таққосланганда қуйдаги 1 жадвалда ўз аксини топган. Тадқиқот учун АО-1 маркали стабилизатор антиоксидант билан стабилланган полимерлардан олинган лопаткалар намуналари танланди.

1-Жадвал

АО-1 маркали стабилизатор антиоксидант билан модификацияланган F-0220 S маркали полиэтиленнинг физик-механик хоссалари таҳлили.

Намуналар	Узилишдаги куч, Н	Чўзилиш, мм	Чўзилишдаги мустахкамлик чегараси σ_p , Н/мм ²	Эластиклик модули, Н/мм ²
Асос ПЭ F-0220s	500	500	25	255
ПЭ+0.5% АО-1	759	660	37	289
ПЭ+1.5% АО-1	651	648	32	267
ПЭ+3.0% АО-1	588	540	31	247

Намуналар кесма майдони 20 мм² бўлган пластинка шаклида тайёрланган. Намунанинг ишлаш диапазони 50 мм.



5-расм. АО-1 маркали стабилизатор антиоксидант билан модификацияланган F-0220 S, I-1561 ва PY-342 маркали полиэтиленларнинг узилишдаги кучига концентрация таъсири диаграммаси.

Ушбу синов тажрибалардан келиб чиқиб синтез қилинган АО-1 маркали стабилизатор антиоксидантларни полиэтиленга қўшилганда, унинг физик-механик хоссалари ижобий кўрсаткич томон силжиганлиги кузатилди.

PY-342 маркали полиэтилен намунасига 0,5%, 1,5% ва 3% АО-2 маркали стабилизатор антиоксидант қўлланилганда намуналарнинг узилишдаги куч, чўзилиши, чўзилишдаги мустахкамлик чегараси, чўзилишдаги эластиклик модули стабилизатор антиоксидант қўлланилмаган ҳолатдаги билан таққосланганда қуйдаги 2- жадвалда ўз аксини топган.


2 жадвал

АО-2 маркали стабилизатор антиоксидант билан модификацияланган PY-342 маркали полиэтиленнинг физик-механик хоссалари таҳлили.

Намуналар	Узилишдаги куч, Н	Чўзилиш, мм	Чўзилишдаги мустахкамлик чегараси σ_p , Н/мм ²	Эластиклик модули, Н/мм ²
Асос ПЭ PY-342	700	486	42	465
ПЭ+0.5% АО-2	879	566	45	228
ПЭ+1.5% АО-2	962	549	48	841
ПЭ+3.0% АО-2	720	380	26	395

Ушбу синов тажрибалардан келиб чиқиб синтез қилинган АО-2 маркали стабилизатор антиоксидантларни полиэтиленга қўшилганда, унинг физик-механик хоссалари ижобий кўрсаткич томон силжиганлиги кузатилди.


АО-1 маркали стабилизатор антиоксидант қўлланилган РҮ-342 маркали полиэтиленнинг намунасининг дериватограммаси келтирилган бўлиб, у 2 та эгри чизиқдан иборат.



**6-Расм. АО-1 маркали стабилизатор антиоксидант қўлланилган РҮ-342 маркали полиэтиленнинг намунасининг дериватограммаси
ТГА- термогравиметрик анализ эгри чизиғи;
ДТА - дифференциал термик анализ эгри чизиғи.**

Дериватограмма (ДТА) эгри чизиғида 134,63⁰С ва 472,36⁰С ларда иккита иссиқлик ютилиши билан бўладиган эндотермик эффе́кт аниқланди ва иссиқлик чиқиши билан бўладиган эгзотермик эффе́кт кўзатилмади. Термогравиметрия (ТГА) эгри чизиғининг таҳлили шуни кўрсатадики, ТГА эгри чизиғида 2 та интенсив парчаланадиган ҳарорат оралиғида амалга ошади. 1-парчаланадиган оралиқ 22,99-380,57⁰С ҳарорат оралиғида содир бўлди 0,053 мг ёки 1,897% масса йўқотилди. 2-парчаланадиган оралиқ 380,57-601,78⁰С ҳароратларда кузатилди 2,733 мг ёки 97,817% масса йўқотганлигини аниқланди. 14,94 – 601,24⁰С ҳарорат интервалида массанинг умумий камайиши 2,786 мг ёки 99,714% ни ташкил этганлиги аниқланди, бунга 59,37 дақиқа вақт сарфланди.

АО-2 маркали стабилизатор антиоксидант қўлланилган Р-Ү342 маркали полиэтилен намунасининг дериватограммаси келтирилган бўлиб у 2 та эгри чизиқдан иборат.




**7-Расм. АО-2 маркали стабилизатор антиоксидант қўлланилган Р-У342 маркали полиэтилен намунасининг дериватограммаси
ТГА- термогравиметрик анализ эгри чизиғи;
ДТА - дифференциал термик анализ эгри чизиғи.**

Дериватограмма (ДТА) эгри чизиғида 133,93⁰С ва 475,34⁰С ларда иккита эндотермик эффект аниқланди ва экзотермик эффект кўзатилмади. Термогравиметрия (ТГА) эгри чизиғининг таҳлили шуни кўрсатадики, ТГА эгри чизиғида 2 та интенсив парчаланадиган ҳарорат оралиғида амалга ошади. 1-парчаланадиган оралиқ 27,92-383,22⁰С ҳарорат оралиғида содир бўлди 0,005 мг ёки 0,181% масса йўқотилди. 2-парчаланадиган оралиқ 383,22–601,83⁰С ҳароратларда кузатилди 2,717 мг ёки 98,478% масса йўқотганлигини аниқланди. 27,92 – 601,83⁰С ҳарорат интервалида массанинг умумий камайиши 2,722 мг ёки 98,659% ни ташкил этганлиги аниқланди, бунга 58,88 дақиқа вақт сафланди.

Стабилизатор антиоксидантлар қўлланилган полиэтилен намуналарининг атом-кучлари ташқи сирт юзасининг дисперс морфологияси микроскопия таҳлили

АСМ усули ёрдамида фазавий таҳлил шуни курсатдики F-0220S I-1561 РУ-342 маркали полиэтилен намунасига турли нисбатларда антиоксидант билан стабилизацияланган полиэтилен композициялари учун дисперс заррачаларнинг ўлчамлари ва тақсимоти аниқланди.



8-расм. АО-1 маркали стабилизатор антиоксидант 0.5% қўлланилган F-0220S I-1561 PУ-342 маркали полиэтилен намунасининг атом-кучлари ташқи сирт юзасининг дисперс морфологияси микроскопия таҳлили.

Таркиби PE+AO1 0,5% (3.33 А, Б, С, Д, Е-расм) чўзилган шаклга эга микрон ўлчамдаги дисперс фазали зарралар кузатилади. Ушбу композиция чўзилган шаклга эга бўлган зарраларни ўз ичига олади, уларнинг ўлчамлари узунлиги 2 микронгача ва кенлиги 275 nm дан микрон ўлчамгача бўлган ва заррачалар X, Y, Z ўқи атрофида нотекис тақсимланган ва маълум бир йўналишда ҳам йўналтирилган. Заррачаларнинг баландлик тақсимоти заррачаларни максимал сони 142 nm эканлигини кўрсатади (8-расм).

Таркиби PE+AO1 1,5% (3.34 А, Б, С, Д, Е-расм) чўзилган шаклга эга микрон ўлчамдаги дисперс фазали зарралар кузатилади. Ушбу композиция чўзилган шаклга эга бўлган зарраларни ўз ичига олади, уларнинг ўлчамлари узунлиги 2 микронгача ва кенлиги 300 nm дан микрон ўлчамгача бўлган ва заррачалар X, Y, Z ўқи атрофида нотекис тақсимланган ва маълум бир йўналишда ҳам йўналтирилган. Заррачаларнинг баландлик тақсимоти заррачаларни максимал сони 195 nm эканлигини кўрсатади.


АО-1 маркали стабилизатор антиоксидант қўшилган лопаткаларни лабораторияда ёруғлик манбалари таъсир кўрсатиш усуллари - ксенон ёйли лампалар ва кислород таъсирида деградация жараёнини ўрганиш

Бу жараённи O'z DSt ISO 4892-2:2019 (ISO 4892-2:2013 (E), MOD) талаблари ва пластикларга - лабораторияда ёруғлик манбалари таъсир кўрсатиш усуллари - ксенон ёйли лампалар GOST R 8.630-2007 ISO 4582:2017 ASTM D 7869, ASTM G151, G155, D 2565 талаблари асосида тадқиқ қилинди.

Бошланғич ҳолат (0 кун):

Структура: Полимер яқинда ишлаб чиқилган ва модда бир хил структурага эга.

Хусусиятлар: Юзаси тегишли модификация қилинмаган, микроскопик нуқсонлар йўқ. Деградация жараёнининг бошланиши (5–20 кун): Қуёш нурлари (ультрабинафша диапазон) ва кислород таъсирида полимер молекуляр занжирлари ажралади. Кимёвий ўзгаришлар: Окисидланиш: C-H боғлари C=O (карбонил гуруҳлари) ёки гидроксил (OH) гуруҳларга айланади.



9-расм. АО-1, BASF қўлланилган полиэтилен ва BLANK 0 нинг ксенон ёйли лампалар ва кислород таъсирида деградация жараёнини ўрганиш

Радикал реакциялар: Полимер молекулалари ўртасидаги боғлар бузилади, бу деградацияни тезлаштиради. Натижалар: Юқоридаги жараён юзасида чўкмалар, микрожароҳатлар ёки микрозарралар пайдо бўлади (микроскопда кўринади). Параҳаланиш жараёни (30–45 кун): Физикавий бузилишлар кучаяди. Материал юзасида: Чуқур ёриқлар, катта-катта бўлинмалар юзага келади. Микроструктура: Электрон микроскоп таҳлиллари полимернинг тарқоқ, ғовакли ҳолатга ўтаётганини кўрсатади. Тўлиқ парчаланиш (60 кун): Полимернинг энг йирик парчалари бир неча қисмга ажралган. Экологик хавф:

пайдо бўлган микро ва нано пластиклар атроф муҳитда узоқ вақт давомида сақланиб қолиши мумкин. Электрон микроскоп таҳлиллари

АО1 Қатори (a–d): Бу полимернинг химояланган вариантыни кўрсатиши мумкин (антиоксидант ёки ультрабинафша нурдан химоя қилувчи қўшимчалар билан). Хусусиятлар: ёриқлар озроқ кўринади. Бузилиш пастроқ. Бу материалдаги қўшимчалар деградацияни секинлаштираётган бўлиши мумкин.

Vasf Қатори (e–h): Ёриқлар ва тузилиш ўзгаришлари: Тузилмада кичик ёриқлар аниқ кўринади. Микроскопда карбонил гуруҳлари билан боғлиқ қизиқарли нуқталар ёки майда тешиқлар сезилади. Бу деградация жараёнининг дастлабки босқичларини акс эттиради.

Blank 0 Қатори (i–l): Чуқур парчаланиш: Буном тўлиқ тарқалиб, микро ва нано тешиқлар ҳосил қилган. Тармоқланган ва тарқоқ структураларнинг ўртага чиқиши деградациянинг тўлиқлигига ишора қилади. Бунинг натижасида юза микротешиқлар билан тўлиб кетган. Куёш нурлари (ультрабинафша таъсири) ва ксенон лампаларнинг роли. Куёшдан чиққан ультрабинафша нурлари полимерларнинг молекуляр занжирларига ўта кучли таъсир қилади. Бу полимер занжирларини заифлаштиради ва уларнинг чўзилиш ёки бузилиш қобилиятини пасайтиради. Бунда асосан фотоокисланиш жараёни амалга ошади.

Ксенон лампалар: лаборатория шароитида куёш нурларининг ультрабинафша қисми такрорланади. Ушбу усул табиий шароитлардаги деградацияни тезлаштириш учун ишлатилади. Ксенон лампалар билан қилинган таҳлил материалнинг қандай қилиб реал шароитларда парчаланишини башорат қилишга ёрдам беради.

Экологик аҳамияти. Деградация маҳсулотлари: Полимер парчаланганида микро ва нано пластиклар ҳосил бўлади, улар: Тупроқ ва сув тизимларига кириб бориши. Занжирли реакция орқали кимёвий ифлосланишни кучайтириши мумкин. Қўшимчаларнинг роли: Деградацияни назорат қилиш учун қўшимчалар қўлланилган (АО-1 қаторидаги материаллар шунга мисол). Бундай материаллар турли саноат соҳаларидаги қўлланиш учун ишлаб чиқилган. Тадқиқотнинг аҳамияти: Полимерларнинг деградация жараёнини тушуниш, уларни қайта ишлаш ва экологик оқибатларни прогноз қилиш учун муҳим. Ксенон лампаларни ишлатиб, деградация жараёнини тезкор баҳолаш ва полимерларнинг хизмат муддатини аниқлаш имкони мавжуд.

Диссертациянинг « **Полимерлар учун стабилизатор антиоксидантлар олишнинг технологик схемаси ва техник-иқтисодий самарадорлиги** » деб номланган тўртинчи бобида стабилизатор антиоксидантлар ишлаб чиқаришнинг технологиялари ёритилган.


Саноатнинг жадал ривожланиши полимер маҳсулотларга бўлган талабнинг ортишига олиб келмоқда. Ҳозирги вақтда полиэтилен ва полипропиленларни модификациялаш учун арзон ва маҳаллий хом ашёлар асосида янги самарали барқарорлаштирувчи стабилизатор антиоксидантларни яратиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Арзон ва маҳаллий хом ашёлар асосида олинган стабилизатор антиоксидантлар эса уларнинг физик

кимёвий ва механик стабилизация фаоллигини ошириб, бир вақтнинг ўзида иқтисодий жиҳатдан арзон ҳисобланади.

Тошкент кимё технология илмий-тадқиқот институти МЧЖ негизида полимерлар учун стабилизатор антиоксидантлар олишнинг технологик схемаси ишлаб чиқилди. Турли хилдаги полиэтилен маркалари учун стабилизатор антиоксидантлар олиш учун тавсия этилган технологик схеманинг ўзига хос хусусияти ва устунлиги шундаки, технологик жараёни узлуксиз режимда амалга ошириш, ишлаб чиқариш қулайлиги, технологик жараёни хавфсизлигидир. Реакция юқори бўлмаган ҳароратда, технологиялар янада соддалашган тартибда олиб борилди. Ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси 10-расмда келтирилди.

Полимерлар учун янги стабилизатор антиоксидантлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш мавзусидаги янги таркибида гидрокси ва фенокси гуруҳлар сақловчи стабилизатор антиоксидантлар синтез қилинган. Синтез қилинган стабилизатор антиоксидант олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида: полимерларни барқарорлаштириш ва хизмат муддатини ошириш учун АО-1 маркали стабилизатор антиоксидант олиш технологияси Шўртан газ-кимё мажмуаси МЧЖ да амалиётга жорий қилинган (Шўртан газ-кимё мажмуаси МЧЖ нинг 2023 йил 10 ноябрдаги 030/4314-сон маълумотномаси). Натижада, Полиэтилен суюқланмасига кам миқдорларда (0,5-1,5-3,0 %) стабилизатор антиоксидант қўшилганда, полиэтиленнинг оқувчанлиги, зарбий ёпишқоқлиги, узилишгача чўзилиш ва узилишдаги мустаҳкамлиги яхшиланган. Полиэтилен маҳсулотлари учун этерификация усули билан пентаэритрит (2,2-бис(гидроксиметил)пропан-1,3-диол) ёрдамида антиоксидант (АО1) ни ишлаб чиқариш технологияси Шўртан газ-кимё мажмуаси МЧЖ да амалиётга жорий қилинган (Шўртан газ-кимё мажмуаси МЧЖ нинг 2023 йил 10 ноябрдаги 030/4314-сон маълумотномаси). Натижада, F-0220 S, I-1561 ва PУ-342 маркали полиэтиленлар учун импорт ўрнини босувчи юқори сифатли стабилизатор антиоксидантларни маҳаллий маҳсулот сифатида қўллаш имконини берган.

Полимерлар учун стабилизатор антиоксидантлар олиш учун: рецепт бўйича ўлчанган 1-дозаторга 7 ва 10-11 идишлардан бошланғич маҳсулотлар, яъни Пентаэритрит, терефталъ кислота ва ДМСО ни солиб секин аста 1 соатда ҳарорат 65 С° гача иситилиб моддалар реакцияга таёрланади. Сўнгра А-насос ёрдамида 2- реакторга ўтказилади ва 12-идишдан F- насос орқали сульфат кислота томчилатиб қуйилади ҳарорат 150 С°гача кўтарилиб 4.5 - 5 соат давом этади ва оч жигар рангга келади ҳарорат тушурилиб реакция тўхтатилади. 3-циклон каугулятор ёрдамида маҳсулот таркибидан ДМСО ажратиб олинади натижада ўрта даражада қуйуқ модда ҳосил бўлди. Синтез қилинган модда В-насос оқали 4-паст босимли сепараторда йўлдош моддалардан ювиб олинади ҳамда С-насос оқали 5-қуритиш печида қуритилади ва 6-дезинтеграторда майдаланади тайёр силлиқ кукун ҳолатига келади.



10-расм. Полимерлар учун стабилизатор антиоксидантлар олишнинг технологик схемаси

3-жадвал

1 тонна АО-1 маркали антиоксидантнинг ишлаб чиқариш учун хом ашё нархи

№	АО-1 маркали антиоксидант	Хом-ашё нархи 1 кг учун, сўм	1 тонна ичидаги, хом ашё, кг	1 тонна антиоксидант нархи (1000 кг)
1	Пентаэритрит	20000	336	6 720 000
2	Терефталъ кислота	15400	664	10 225 600
3	Диметилсульфоксид	100000	10	1 000 000
4	Сульфат кислота	1505	0,5	750
5	Этил спирти	25140	10	251 400
Жами				18 195 000

4.1-жадвалда 1 тонна АО-1 маркали стабилизатор антиоксидант ишлаб чиқариш учун дастлабки хомашё нархлари фақат бошланғич модданинг ўзи учун **18 195 000** сўм сарфланади.

4-жадвал

1 тонна синтез қилинган АО-1 маркали стабилизатор антиоксидант таннархи

Номланиши	Нархи, сўм
Иш ҳақи, сум/1 кун	150 000
Ягона ижтимоий тўлов 12%	18 000
АО-1 маркали стабилизатор антиоксидант	18 195 000
Кўшимча харажатлар	300 000
Кутилмаган ҳолатлар	150 000
Фойда 5%	909 750
ҚҚС 7%	63 668,5
Умумий	19 786 432,5

АО-1 маркали стабилизатор антиоксидантнинг 1 тоннасини ишлаб чиқаришда жами харажатлар 19 786 432,5 сўмга тенг бўлди.

1 тонна маҳсулот учун тўлиқ таннархга нисбатан фойда миқдори бозор талабидан келиб чиқиб 5 фоиз этиб белгиланди. 1 тонна маҳсулотдан олинадиган фойда 909 750 сўмни ташкил этади.

АО-1 маркали стабилизатор антиоксидантнинг таннархи ишлаб чиқаришда 1 тонна тайёр АО-1 маркали стабилизатор антиоксидантнинг нархи 19 786 432,5 сўмга тенг эканлиги ҳисоблаб топилди. Четдан импорт қилиниб полимерлар учун стабилизатор антиоксидант сифатида фойдаланиб келинаётган Иргонокс 1010 стабилизаторнинг (60 000 000 сўм) 1 тоннасига нисбатан 40213567,5 сўм самарали бўлиб, агарда 1та ишлаб чиқариш цехи 1 йилда 80000 кг термостабилизатор сарфласа йиллик смарадорлик 3 217 085 400 сўмни ташкил этади.

Хулосалар

Тадқиқотнинг асосий натижаларини умумлаштириб, диссертация иши давомида олинган илмий ва амалий натижалар қуйидагилардан иборат деган хулосага келишимиз мумкин:

1. Стабилизатор антиоксидант билан стабилланган полимерлардан олинган намуналарнинг физик механик хусусиятлари синов натижалари ГОСТ 11262-80 стандартига мувофиқлиги кўрсатиб берилди.

2. Полиэтилен намунасига 0,5%, 1,5% ва 3% АО-1 маркали стабилизатор антиоксидант қўлланилганда намунанинг узилишдаги куч, чўзилиши, чўзилишдаги мустахкамлик чегараси, чўзилишдаги эластиклик модули стабилизатор антиоксидант қўлланилмаган ҳолатдаги билан таққосланганда кўрсаткичлар юқори эканлиги аниқланди.

3. Полиэтилен намунасига 0,5%, 1,5% ва 3% АО-1 маркали стабилизатор антиоксидант қўлланилганда намуналарнинг ДТА ва ТГА усуллари билан термооксидланиш деструкцияси кинетикаси аниқланди.

4. Полимерлар учун стабилизатор антиоксидантлар олиш ва уларни қўллашнинг рационал миқдорлари ўрганилиши билан бирга амалиётда ишлаб чиқаришнинг оптимал технологиялари таклиф этилди.

5. Полиэтилен маҳсулотлари учун этерификация усули билан пентаэритрит (2,2-бис(гидроксиметил)пропан-1,3-диол) ёрдамида антиоксидант (АО-1) ни ишлаб чиқариш технологияси Шўртан газ-кимё мажмуаси МЧЖ да амалиётга жорий қилинди (Шўртан газ-кимё мажмуаси МЧЖ нинг 2023 йил 10 ноябрдаги 030/4314-сон маълумотномаси)..

6. Стабилизатор антиоксидантлар ишлаб чиқариш учун хомашёлар нархлари ва йиллик смарадорлик 3 217 085 400 сўмни ташкил этиши ҳисоблаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.16/30.12. 2019.К/Т.87.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ХИМИЧЕСКОЙ
ТЕХНОЛОГИИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ХИМИЧЕСКОЙ ТЕХНОЛОГИИ**

КАРАЕВ ШЕРАЛИ ТУХТАЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА И ПРИМЕНЕНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ
НОВЫХ ВЫСОКОЭФФЕКТИВНЫХ СТАБИЛИЗАТОРОВ-
АНТИОКСИДАНТОВ ДЛЯ ПОЛИЭТИЛЕНА.**

02.00.14–Технология органических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при министерстве Высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2024.2. PhD/T2775

Диссертация выполнена в Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу www.tktiti.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net


Научный руководитель:	Каримов Масъуд Убайдулла угли доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Ёдгоров Нормухаммад Доктор химических наук, профессор Вафаев Ойбек Шукурлаевич доктор технических наук, старший научный сотрудник
Ведущая организация:	Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится «15» мая 2025 г. в «11⁰⁰» часов на заседании Ученого совета DSc.16/30.12.2019.K/T.87.01 при Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии по адресу: 111116, Ташкентская область, Ташкентский р-н, ул. Шурабазар, тел: (+99895) 144-67-83, E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTTI@exat.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского научно-исследовательского института химической технологии за № 2025/09, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (111116, Ташкентская область, Ташкентский р-н, п.о. Шурабазар, тел: (+99895) 144-67-83, E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTTI@exat.uz).

Автореферат диссертации разослан «18» апреля 2025 года.
(протокол рассылки № 2025/09 от «18» апреля 2025 года).




А.Т. Джалилов
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.х.н., проф., академик


Ш.Н. Киёмов
Учёный секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., с.н.с.


Х.С. Бекназаров
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мире модифицирующие добавки, ограничивающие деструкцию высокомолекулярных соединений под воздействием ультрафиолетовых лучей, тепла и кислорода, являются основной группой сырья для полимерной промышленности. Поэтому важное значение имеет разработка новых видов стабилизаторов антиоксидантов, определение механизма их взаимодействия со свободными радикалами, образующимися в процессе деградации полимера, а также разработка механизмов модификации надмолекулярной структуры полимера.

В мире большое внимание уделяется научно-исследовательским работам, направленным на получение стабилизаторов антиоксидантов с высокой стабилизационной эффективностью и их включение в состав полимерных продуктов. В связи с этим особое внимание уделяется получению элементоорганических соединений, содержащих ароматические кольца с реакционноспособными гидроксильными, карбоксильными и аминокфункциональными группами, определению их стабилизационных показателей и разработке технологий их применения в качестве антиоксидантов для полимерных композиций.

В нашей республике достигнуты определенные результаты по получению новых видов импортозамещающих стабилизаторов антиоксидантов и их включению в состав полимерных изделий, определению эффективности работы в различных агрессивных средах. В стратегии развития нового Узбекистана определены важные задачи, направленные на "создание технологий получения импортозамещающей продукции из местного сырья и вторичных ресурсов"¹. В связи с этим важное значение имеет производство экономически эффективных и экологически безопасных стабилизаторов антиоксидантов и постоянное совершенствование существующих технологий при производстве полимерных изделий.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года "О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы," Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-4805 от 12 августа 2020 года "О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки в области химии и биологии" и № ПП-3264 от 29 августа 2017 года "О мерах по совершенствованию экспортно-импортной деятельности организаций химической промышленности," а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

развития науки и технологий Республики VII “Химические технологии и нанотехнологии”.

